



БОР МЕХРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун
Ўзбекистон “Адолат” СДП ташаббуси билан “Бор меҳримиз сенга, болажон!”
анъанавий донорлик акцияси ўтказилди

Халқимиз асл бахтни фарзандлари саломатлиги, бахту камалида деб билади. Айниқса, бирор дардга йўлиққан болажонларнинг саломатлиги учун курашиш, уларнинг оёққа туриши учун бор имкониятини ишга солишга тайёр турган ота-она учун бу истакнинг амалга ошиши ҳаёт-мамот масаласидир. Қон хасталиклар, жумладан, оғир даражадаги камқонлик, қон саратони (лейкоз), қон ивиш тизимнинг бузилиши (гемофилия) каби касалликлар билан оғриган болалар донорлар кўмағига муҳтож.

Республика ихтисослаштирилган гематология ва қон куйиш илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда унинг худудий бўлимларида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида бегараз донорлик акцияси ўтказилди.

Ҳар йили Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун муносабати билан ташкил этилиб, анъанага айланиб улгурган мазкур хайрия акцияси карантин шароити давом этаётган бугунги кунда ҳам жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини кенг тарғиб қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг республика бўйлаб барча худудлардан кенгаш ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий кенгаш депутатлари, “Аёллар қаноти”, “Еш адолатчилар” қаноти Кенгаши аъзолари, партия фаоллари ва кўплаб юртдошларимиз савобли ишга ҳиссаларини қўшиш мақсадида хайрия акциясида иштирок этишди. Донорлар орасида давлат, жамоат арбоблари, турли вазирлик, муассаса ҳамда ташкилотлар масъул ходимлари ҳам бор.

— Мазкур акцияни ўтказишдан мақсад, тиббий-ижтимоий кў-

макка муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, инсонларни кўнгилли равишда қон топиширишга чақириш орқали беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини кенг тарғиб қилишдир. — дейди партия Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов. — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунда шифокорлар ҳам эҳтиром кўрсатилишига лойиқ. Зеро, ушбу марказда тиббиёт ходимлари болаларга меҳр кўрсатиш орқали шифо беришга уринмоқдалар. Марказда даволанаётган беморлар учун ҳаёт манбаи — қон муҳим эканлигини ҳис этган ҳолда “Адолат” СДП юртдошларимизни донорликка чорлади.

Вилоятлар ва туманлар марказидаги кўп тармоқли болалар шифоналарида ўтказилган бегараз донорлик акциясида турли касалликлар ёки бахтсиз ҳодиса туфайли қонга муҳтож бўлган бемор болажонларга ҳаёт бағишлаш ва уларнинг соғайиб



кетишларига ҳисса қўшишдек хайрли ва савобли ишга бел боғлаган юртдошларимиз ихтиёрий равишда қон топишди.

— Давлатимиз томонидан қон хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида бегараз донорлиқни ривожлантиришга қаратилган қатор меъерий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик па-

латаси Спикери ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Зуҳра Ибрагимовна. — 2002 йил қабул қилинган “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни юртимизда бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиди. 2016 йили мазкур қонунга бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, жумладан, “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўрак нишони таъсис этилди. Бундан асосий мақсад қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини

ривожлантириш, аҳолининг кенг қатламларини бепул донорликка жалб этишдан иборатдир.

Акция давомида барча донорлар бемор болажонларга ҳаёт бағишлаш ҳамда уларнинг соғайиб кетишларига ҳисса қўшганидан хурсанд эканликларини билдирдилар. Қўнгиллиларни бирлаштириб, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат намуналарини ўзида акс эттирган акция болажонлар учун чин маънодаги ғамхўрлик тадбири бўлди.

Байрам совғаси



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун «Адолат» СДП ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамкорлигида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун пойтахт бўйлаб экскурсия ташкил этилди. Болажонларга уларнинг оналари ва бувилари ҳамроҳлик қилишди.

Замонавий автобусда Тошкент ҳайвонот боғи, Ғалаба боғи, Олмасордаги намунали боғчага саёҳат қилган кичкинтойлар бир олам таассурот олишди.

— Набирам бу йилги байрамини ўзгача нишонляпти. “Адолат” партияси ва ДИХХББсининг саховати нафақат болалар, балки бизларнинг ҳам кўнғилимизга қувонч олиб кирди. — дейди экскурсия иштирокчиси Гулбаҳор она.

Фракция йиғилиши

ҚОНУНЛАРДА ФУҚАРОЛАР ТАКЛИФЛАРИ АКС ЭТМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб “Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгилаштириш ва рағбатлантириш мақсадида долзарб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳага оид қатор ҳуқуқий ҳужжатлар танқидий қайта кўриб чиқилиб, замон талабига жавоб бермайдиган, маънан эскирган нормалар бекор қилинди, бюрократик тўсиқ ва ғовлар бартараф этилди. Кўрилган чоралар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Фракция аъзолари томонидан мазкур қонун лойиҳаси ҳам соҳадаги ислохотларнинг давоми сифатида баҳолашиб, қонун лойиҳасида илгари сурилаётган нормаларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Лойиҳа билан ташқи иқтисодий фаолият йўналишида, яъни божхона маъмуриятичилигини такомиллаштириш соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар талаблари асосида амалдаги Божхона кодексига қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, товар ва транспорт воситаларини тегишли божхона режимларига жойлаштириш мақсадида талаб этиладиган руҳсатномалар бериш тартиби бекор қилинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг туристик салоҳиятини ошириш мақсадида бож олинмайдиган савдо дўконининг учинчи тури киритилмоқда. Яъни божхона ҳудудига олиб қилинган чет эл товарларини ёки Ўзбекистон товарларини миллий валютада ёки чет эл валюта-сида чакана ҳолда реализация қилишга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча бўлиб турган чет эллик шахслар учун бож олинмайдиган савдо дўкони нормаси киритилмоқда.

Депутатлар, шунингдек, товарлар чиқариб юборилгандан сўнг божхона органлари томонидан божхона аудитини ўтказиш тартиби ёритилиб берилаётганини эътироф этишди. Бу орқали божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилганлиқ ҳолатлари ўрганилиб, тизимда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилишга замин яратилади ва ҳуқуқий асосланган божхона назорати йўлга қўйилади.

Соҳада қулайликлар яратиш мақсадида божхона расмийлаштируви муддати 3 кундан 1 кунга қисқартрилмоқда ҳамда назорат остида етказиб бериш тартиби “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқлаштирилмоқда.

Абитуриентларни ўзимиз тайёрлаймиз

Мазкур иккала туманда очиладиган факультетлардаги таълим йўналишларига, яъни “Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили” йўналишига 60 тадан, “Мақтабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)” йўналишига 40 тадан квота ажратиб, жами 200 нафар абитуриентни ўқишга қабул қилишни режалаштираяпмиз.

Нур Шарқдан таралади

У Самарқандни дунёга донги кетган илм-фан, маданият ва маърифат марказига айлантирди. Бобос Буюк Темур, отаси Шоҳруҳ Мирзо каби илм-фан, санъат ва ҳунар аҳлларига ҳомийлик қилибгина қолмасдан, шахсан ўзи ҳам илм ва таълим ишлари билан фаол шугулланди.

АСАБИ БУЗУҚ АРЗАНДАЛАР

ёхуд ГАЗЕТАНИ СОҒИНГАН ОТАХОН

Пошшолик давридан, жамоалаштириш, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ҳатто очарчилик пайтларида ҳам газета мунтазам чиқиб турган. Шунингдек керакки, газета-журналлар таълим-тарбия берувчи, руҳий қўллаб-қувватловчи, жанговарликка ундовчи восита сифатида халққа хизмат қилган ва тарихни ўзида жамлаган муҳим ҳужжатдир.

Очигини айтганда

Автокатда бир йигит икки-уч яшар атрофидаги болакайдан қўл телефонни ололмайд хуб ноб бўлиб турибди. Болакайнинг онаси: – Бир пас сабр қилинг, укам! Ҳозир дадаси келса, телефонингизни олиб бераман...

АСАБИ БУЗУҚ АРЗАНДАЛАР



ёхуд ГАЗЕТАНИ СОҒИНГАН ОТАХОН

Қандайдир ўйинни завқ билан томоша қилаётган болакай эса қўлидаги кенг экранли телефонни эгасига бергиси келмасди. Қўлидан телефонни олишга уринса, бола дув-дув ёш тўкиб, ариллаб йиғлай бошларди...

танги кунингизга нафи тегадиган омилга эга бўлсангиз, телефонда юзлаб фикрни чалгитувчи омиллар ичида қоласиз ва оқибатда талвасига тушасиз. Қани, энди, гапнинг индаллосини айтинг-чи, қай бири сизга афзал?

Албатта, мен уяли алоқа воситаларидан мулақотга ўзгариш керак, деган фикрдан йироқман. У қайсидир маънода тараққийта хизмат қилаётгандир. Аммо у ҳеч қачон табиий қоғозга битилган китоб ўрнини, матбуот ўрнини боса олмаганига шакшакланганман.


Китоб абадийлик тимсоли. Қаламни ҳам, илмни ҳам, қоғозни ҳам буюк қудрат Эгаси яратган. Минг-минг йиллардан бери инсоният ана шу буюк яратувчи томондан инъом этилган мўътабар китоблардан фойдаланиб келади. Қидирсангиз, дунёнинг аввалоги охири ҳақидаги ахбороти, маърифатни, янгиликни китобдан топасиз. Бошқа бирор-бир манба, техника унинг ўрнини босолмайди.

Пошхолик даврда, жамоалаштириш, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ҳаётмоҳиматлиқ пайтларида ҳам газета мунтазам чиқиб тураган. Газета таълим-тарбия берувчи, руҳий қўллаб-қувватловчи, жанговарликка ундовчи восита сифатида халққа хизмат қилган ва тарихни ўзида жамлаган муҳим ҳужжатдир.

Шу кунларда газетанинг қадри жуда баллиняпти, – дейди бир отахон. – Бир пайтлари ҳар бир хонадонга тахлам-тахлам газета кириб борарди. Утган авлод газета билан ҳамнафас яшаб келган бўлгани йўқ.

Президентимизнинг узоқни кўзлаб чиқарган фармонлари асосида умумтаълим мактабларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарбиячи-лавозими жорий этилди.

Кун иқтибоси



Исmoil ГАСПИРИНСКИЙ, Туркий халқларнинг буюк маърифатчиси, жадидчиликнинг отаси.

Илми йўқ, замонавий технологияларни билмайдиган, тушунмайдиган халқлар ўз-ўзидан тараққий қилган халқлар босими остида йўқ бўлиб кетадилар. Бу кураш миллатлар учун ҳаёт-мамонт жангидир!

Мулоҳаза учун мавзу

Ёш етиш билан БҮЙ ЕТИШНИНГ ФАРҚИ БОР

Ўтган йили маҳалламиздан бир қизни турмушга беришадигани айтишди. Ҳайрон бўлдим, боиси қизнинг жуссаси жуда кичик, ўқувчи ёшдагига ўхшарди.

Ҳаммаси тўйдан кейин бошланди. Келинчақ ҳомилдор бўлгач, камқувват эмасми, турли хасталикларни бошдан кечира бошлади.

Аёл ота уйига қайтди. Энг ёмони, турғуқ жудаям оғир кечди. Чақалоқ нобуд бўлса-да, жувонинг хаёти аранг сақлаб қолинди.

Ҳаммаси мухтасар баён қилишдан мурдаси шунки, ота-оналар фарзандимнинг ёши етди, орзу-хавас дея ёшларни барвақт оила қуришга ундама-

Матлуба ҚАЮМОВА, Наманган шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" раиси

Халқ таълими вазирлиги диққатига!



Мақтабларда сўнгги кўнғироқ чалиниб, ўқувчилар навбатдаги ўқув йилини тутатди. Шу муносабат билан мактабларда битирув кечалари ўтказилиб, аъло баҳо ва намунали хулққа эга ўқувчилар тақдирландилар.

Тан олиш керак, ҳозирги фахрий ёрликларнинг аввалгиларидан анча фарқи бор. Энг катта фарқ – сифатнинг тушганлигида.

Албатта, бу усулга ўтиб олинганининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Масалан, педагог ўқувчиларининг кўнгилни чуқтириш ниятида эмас. Уртгонинг тақдирлангани ҳолда қўли бўш қолган ўқувчи хафа бўлишини тахмин қилиб, фахрий ёрлик улашида сахийлик қилдилар.

Адашмасан, фахрий ўқувчи ёрлик беришдан иккита мақсад кўзланмади. Биринчиси аълочи ўқувчини рағбатлантириш, таълим олиш учун мотивация уйғотиш бўлса, иккинчиси – ана шу аълочи ўқувчи орқали синфдаги бошқа

болаларга таъсир ўтказиш, ибрат намунасини хаволага этиш. Афсуски, ҳозир аксарият мактабларда синф раҳбарлари томондан синфдаги барча ўқувчиларга ёлпасига фахрий ёрликлар тарқатиш йўлга қўйилмоқда.

Назаримда, ўз максадларини оқлайдиган фахрий ёрлик адолатли топирилиши, уни қўлга киритиш аниқ мезонларга асосланиши лозим. Педагог кўпроқ ўқувчиларни тақдирлашни кўзлаган бўлса, йўналишларга ажратилиши, билим жиҳатдан қўнчилар, ўрта ҳоллар ва кучсизларга турли даража ҳамда кўринишдаги фахрий ёрликларни тақсимлаш йўрнали бўлармиди?! Балки бу ҳужжатни топириш мактаб директорлари ва синф раҳбарининг ихтиёри билан чекланмасдан, Халқ таълими вазирлиги ҳам бош-қошиқда назоратда ушлаши маъқулдир.

Дарвоқе, фахрий ёрлик – фақат ўқувчиларни қувонтирадиган рағбат эмас, турли ташкилот ва идоралар ҳам ўз ходимларини шу йўл билан сийлайди. Уларда ҳам адолатли усуллар ҳукмронликни ёки сунъий обрўга интилиши? Бу энди – алоҳида мавзу!

Дурдона АЛИМОВА, журналист

ADOLAT logo and contact information: Muassis: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсый Кенгаши

Contact information for Adolat: Boш muxarrir: Iسلام XAMPOEV, Taхрир хайъати: Бахром АБДУХАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Мухаммад АЛИ, Гавхар АЛИМОВА, Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ

Contact information for Adolat: Ёлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими, 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); 71 288-42-12 (132); Кабулхона: 71 288-42-12 (141) факс; 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Publication information: 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган, Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табак. Офсет усулида босилган. Бюорпта Г — 500.